



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRLOGI
BUYRÍGÍ**

18«iyul»2023 jil.

593-A/F-san

Nókis qalası

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 15 июльдаги “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 01/926-A/F-сон буйруғининг ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 15 июльдаги “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 01/926-A/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 15 июльдаги “Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 01/926-A/F-сон буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг мазкур буйруғи билан:

а) Қуйидагилар:

- Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари 1-иловага;

- Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом 2-иловага;

- Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 3-иловага;

- Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигида ташкил этиладиган танлов (тендер) ўтказиш бўйича харид комиссияси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

б) Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бошқармалари, вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларга **уч кун муддатда** мазкур буйруқнинг 1-бандида белгиланган ички идоравий ҳужжатларга асосан ўзларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

в) Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 21 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 212-1-К-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисобланган.

3. Қуйидагилар;

- Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари 1-иловага;

- Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом 2-иловага;

- Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 3-иловага;

- Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигида ташкил этиладиган танлов (тендер) ўтказиш бўйича харид комиссияси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларга **уч кун муддатда** мазкур буйруқнинг 3-бандида белгиланган ички идоравий ҳужжатларга асосан ўзларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатларини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

5. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси етакчи мутахассиси (Б.Толибоев)га:

- мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимларига ва вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларига юбориш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров